



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 2/2 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 2/2

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 2/2



ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№2/2 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-2/2>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)
Umarxonova Dildora Sharipxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodijjon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)
Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)
Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Мухамедов Хайдарали Мелиевич ЎРТА АСРЛАР ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚҚА ТАЪСИРИ: ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ.....	5
2. Мирзаев Файзулла Ибодуллаевич ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ.....	14
3. Авлиякулова Матлуба Авазовна КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	22
4. Baratov Mirodiljon Xomudjonovich, Akramxodjayev Bori Toxtaxodjayevich TURISTIK MAHSULOTNING XUSUSIYATLARI VA BU SOHADAGI RAQOBATBARDOSHLIK.....	29
5. Ergasheva Shohista O'ktam qizi KRIPTOVALYUTALARNING TRANSFER JARARAYONIDA QO'LLANILADIGAN HUQUQ MASALASI.....	39
6. Абжалов Абдижаббор Махаммадиевич ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ.....	46
7. Ғайбуллаев Фаррух Юлдашевич ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЧЕГАРАЛАРИ.....	54
8. Matkarimov Qudrat Qalandarovich ISHKI ISHLAR ORGANLARIDA QONUNLAR IJROSI USTIDAN PROKUROR NAZORATINING O'ZIGA HOS HUSUSIYATLARI.....	62
9. A'zamov Akbarxon Izzatbek o'g'li QASDDAN TO'LOVGA QOBILİYATSIZLIKKA OLIB KELISHNING JINOIY-HUQUQIY JINATLARI, O'XSHASH JINOYATLARDAN FARQLI TOMONLARI HAMDA XORIJIY TAJRIBA.....	70
10. Хамидов Нурмухаммад Ориф угли ТОРГОВЛЯ ЛЮДЬМИ КАК ФОРМА ТРАНСНАЦИОНАЛЬНОЙ ОРГАНИЗОВАННОЙ ПРЕСТУПНОСТИ: ПОНЯТИЕ, СОЦИАЛЬНАЯ ОПАСНОСТЬ И УГОЛОВНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ.....	77
11. Kurbanov Ma'rufjon Mamadaminovich SUN'IY INTELLEKTDAN JINOIY MAQSADDA FOYDALANISHNING JINOYAT-HUQUQIY TAVSIFI, IJTIMOIY-HUQUQIY MONIYATI.....	85
12. Насруллаев Фирдавс Сухробович ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКСТРАДИЦИЯ ЖАРАЁНИДА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎРНИ ВА ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	92




12.00.07-СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ. ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР. ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. АДВОКАТУРА

Абжалов Абдижаббор Махаммадиевич,
 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти
 Махсус-касбий фанлар кафедраси профессори,
 Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, подполковник
 E-mail: abdujabbormaxammadiyevich@gmail.com

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН
 ҲАМКОРЛИГИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА
 ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

For citation: Abjalov Abdijabbor Makhamadievich. LEGAL AND ORGANIZATIONAL MECHANISMS FOR IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF COOPERATION BETWEEN THE PREVENTION INSPECTOR AND PUBLIC INSTITUTIONS. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 2/2.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18839300>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этишда профилактика инспекторининг жамоат институтлари билан ҳамкорлиги тизимли таҳлил қилиниб, унинг назарий-ҳуқуқий асослари, фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг институционал механизмлари, ижтимоий реабилитация ҳамда қайта ижтимоийлаштириш жараёнларидаги ҳамкорлик шакллари очиб берилган. Шунингдек, профилактика инспекторининг оммавий ахборот воситалари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг амалий самарадорлиги асосланрилиб, ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмлар бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоатчилик институтлари, маҳалла, жамоат хавфсизлиги, ижтимоий реабилитация, ҳуқуқий онг, ахборот ҳамкорлиги, халқаро тажриба, ташкилий-ҳуқуқий механизмлар.

Абжалов Абдижаббор Махаммадиевич,
 Профессор кафедры специальных профессиональных дисциплин
 Института повышения квалификации Министерства
 внутренних дел Республики Узбекистан,
 доктор философии по политическим наукам (PhD), доцент, подполковник
 E-mail: abdujabbormaxammadiyevich@gmail.com

ПРАВОВЫЕ И ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ МЕХАНИЗМЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ СОТРУДНИЧЕСТВА ПРОФИЛАКТИЧЕСКОГО ИНСПЕКТОРА С ОБЩЕСТВЕННЫМИ ИНСТИТУТАМИ

АННОТАЦИЯ

В статье системно проанализировано сотрудничество профилактического инспектора с общественными институтами в эффективной организации профилактики правонарушений, раскрыты его теоретико-правовые основы, институциональные механизмы участия институтов гражданского общества, а также формы взаимодействия в процессах социальной реабилитации и ресоциализации. Кроме того, обоснована практическая эффективность взаимодействия профилактического инспектора со средствами массовой информации и органами местного самоуправления, предложены организационно-правовые механизмы, направленные на усиление данного сотрудничества.

Ключевые слова: инспектор профилактики, профилактика правонарушений, общественные институты, махалля, общественная безопасность, социальная реабилитация, правовое сознание, информационное взаимодействие, международный опыт, организационно-правовые механизмы.

Abjalov Abdijabbor Makhamadievich,

Professor of the Department of Special Professional Disciplines
of the Institute for Advanced Studies of the Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy (PhD) in Political Science,
Associate Professor, Lieutenant Colonel
E-mail: abdujabboramaxammadiyevich@gmail.com

LEGAL AND ORGANIZATIONAL MECHANISMS FOR IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF COOPERATION BETWEEN THE PREVENTION INSPECTOR AND PUBLIC INSTITUTIONS

ANNOTATION

The article provides a systematic analysis of the cooperation between the prevention inspector and public institutions in the effective organization of crime prevention, revealing its theoretical and legal foundations, the institutional mechanisms of civil society participation, and the forms of interaction within social rehabilitation and resocialization processes. In addition, the practical effectiveness of the prevention inspector's cooperation with mass media and local self-government bodies is substantiated, and organizational and legal mechanisms aimed at strengthening this cooperation are proposed.

Keywords: prevention inspector, crime prevention, public institutions, mahalla, public safety, social rehabilitation, legal consciousness, information cooperation, international experience, organizational and legal mechanisms.

Ҳозирги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш масаласи давлат сиёсатида устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Мазкур жараёнда профилактика инспектори марказий ўринни эгаллайди, чунки у аҳоли билан бевосита ишлайдиган, ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлайдиган ва уларнинг сабаб ҳамда шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширадиган асосий субъект ҳисобланади. Бироқ бу вазифаларни фақат ички ишлар органлари доирасида амалга ошириш самарали натижа бермайди, шу боис профилактика инспекторининг жамоат институтлари билан ҳамкорлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимида профилактика инспекторининг ўрни нафақат амалий, балки назарий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур фаолиятнинг мазмун-моҳияти, аввало, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик нормалари, шунингдек жамият институтлари билан ўзаро ҳамкорликка доир концептуал ёндашувлар билан белгиланади. Хусусан,

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонунида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари сифатида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий онгни юксалтириш, ҳуқуқбузарлик сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда профилактика субъектлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминлаш белгилангани мазкур институтнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этади [2].

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимида профилактика инспекторининг ўрни нафақат амалий, балки назарий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этишини оила ва турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин. Чунки мазкур соҳада профилактика фаолияти қонунчиликда белгиланган вазифаларнинг бевосита ижросини таъминлаш билан бирга, жамият институтлари билан институционал ҳамкорликни талаб этади. Хусусан, 2024 йилда Ички ишлар вазирлиги томонидан 41 126 та оилавий жанжал қайд этилгани, шундан 12 847 таси оилавий зўравонлик, 3 214 таси эса болаларга нисбатан зўравонлик билан боғлиқ экани оилавий муҳитдаги хавф омиллари жамоат хавфсизлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишини кўрсатади [4]. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан профилактика инспекторининг маҳалла фуқаролар йиғини, хотин-қизлар тузилмалари, “Маҳалла еттилиги”, “Оила” маркази ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда юқори хавф гуруҳига кирувчи оилалар билан манзилли профилактик иш олиб бориши белгилангани ҳамкорликни ихтиёрий ташаббус эмас, балки ҳуқуқий мажбурият ва институционал талаб даражасига кўтарилганини англатади [3]. Бу эса профилактика инспекторининг назарий-ҳуқуқий мақоми амалиётда аниқ ташкилий механизмлар орқали ифодаланишини кўрсатади.

Илмий адабиётларда профилактика инспектори фаолияти жамият хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим ижтимоий механизми сифатида баҳоланади. Жумладан, Д.Д.Худойкулов ва Ф.Т.Ғаниевнинг фикрича, профилактика инспекторлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик жинойтчиликни камайтириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилади [5]. Улар бу ҳамкорликни жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминловчи комплекс механизм сифатида талқин қиладилар.

Назарий жиҳатдан қаралганда, профилактика инспекторининг жамоат институтлари билан ҳамкорлиги ижтимоий шериклик тамойилига асосланади. Бу ерда давлат органлари ва нодавлат тузилмалар ўзаро ахборот алмашиш, ҳуқуқий таълим-тарбия ишларини амалга ошириш ҳамда аҳоли билан мулоқотни кучайтириш орқали ягона профилактик муҳитни шакллантиради. Юқоридаги тадқиқотчилар фикрига кўра, бундай ёндашув жинойтларни барвақт олдини олишда энг самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Профилактика фаолиятининг назарий-ҳуқуқий асосларини очиб беришда ижтимоий реабилитация тушунчаси алоҳида аҳамиятга эга. Ҳ.Қ.Бабаханов таъкидлаганидек, жинойт содир этган шахсларни жамиятга қайта мослаштириш, уларнинг ижтимоий-психологик муаммоларини бартараф этиш ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш профилактика тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади [9]. Унинг илмий қарашларига кўра, профилактика инспектори ва ижтимоий реабилитация марказлари ўртасидаги ҳамкорлик шахсни қайта ижтимоийлаштириш орқали такрорий ҳуқуқбузарликларни камайтиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, профилактика фаолиятининг назарий асослари жамоатчилик билан очиқ мулоқот ва ахборот шаффофлиги тамойиллари билан ҳам боғлиқ. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида жамоат институтлари билан ҳамкорликнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари ҳам мустаҳкамланиб бормоқда [1]. Айниқса, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик назорати ва очиқлик тамойиллари профилактика фаолиятининг шаффофлиги ҳамда жамоат ишончи ошишига хизмат қилади.

А.А.Амановнинг илмий қарашларига кўра, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда катта роль ўйнайди [8]. Бу ҳолат профилактика инспекторининг жамоат институтлари билан ҳамкорлиги кенг ҳуқуқий майдонда амалга оширилишини кўрсатади.

Профилактика инспектори фаолиятининг назарий-ҳуқуқий мазмунини тушунишда маҳалла ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни ҳам муҳимдир. Д.Д.Вахобжоновнинг таъкидлашича, мазкур тузилмалар билан ҳамкорлик аҳоли ҳуқуқий онгини юксалтириш, ижтимоий хавфли оилаларни аниқлаш ва жамоат тартибини сақлашда самарали натижалар беради [6]. Унинг фикрига кўра, профилактика инспектори фаолиятини ушбу институтлар билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этмасдан туриб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўлиқ тизимини шакллантириш мумкин эмас.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини самарали ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки алоҳида институционал мазмун касб этади. Бу иштирок жамиятда ҳуқуқий тартибни таъминлашга қаратилган давлат чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муносабатларда барқарорликни мустаҳкамлаш ва аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш каби вазифалар орқали намоён бўлади. Мазкур жараёнда фуқаролик жамияти институтлари давлат органларининг фаолиятини тўлдирувчи мустақил ижтимоий механизм сифатида ҳаракат қилади.

Илмий адабиётларда фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасида жамоатчилик иштирокини таъминловчи асосий субъектлардан бири сифатида баҳоланади. Жумладан, Д.Д.Худойкулов ва Ф.Т.Ғаниевнинг илмий қарашларига кўра, бундай институтлар аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, ижтимоий муҳитни кузатиш ва ҳуқуқбузарлик хавфини барвақт аниқлаш имкониятига эга бўлганлиги сабабли профилактика жараёнида муҳим ўрин тутади. Муаллифлар фуқаролик жамияти тузилмалари иштирокини жиноятчиликка қарши курашишда жамоавий масъулиятни шакллантирувчи омил сифатида талқин қиладилар [5].

Фуқаролик жамияти институтларининг институционал механизми, аввало, уларнинг функционал йўналишлари орқали намоён бўлади. Биринчи навбатда, бу тузилмалар аҳоли манфаатларини ифода этиш ва ижтимоий муаммоларни эрта босқичда аниқлаш имконини беради. Шу орқали ҳуқуқбузарликларга олиб келиши мумкин бўлган ижтимоий омиллар ҳақида давлат органларига ахборот етказилади. Бу ҳолат профилактика фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнининг янада асосли ва манзилли бўлишини таъминлайди.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти институтлари жамоатчилик назорати элементларини амалга ошириш орқали профилактика тизимининг очиқлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлайди. Бундай назорат шакллари аҳолида қонун устуворлигига нисбатан ишончни кучайтиради ҳамда давлат органлари фаолиятининг ижтимоий самарадорлигини оширади. Илмий ёндашувларга кўра, жамоатчилик иштирокининг институционаллашуви ҳуқуқбузарликларнинг яширин шакллари камайтиришга хизмат қилади.

Учинчидан, мазкур институтлар профилактик фаолиятда ижтимоий мулоқот майдонини кенгайтириш вазифасини бажаради. Аҳоли турли қатламлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали жамоатчилик фикри шакллантирилади, ҳуқуқий кадриятлар оммалаштирилади ва қонунга ҳурмат муҳити кучаяди. Бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий тарбия ва маънавий таъсир воситаси сифатида намоён бўлади.

Институционал нуқтаи назардан қараганда, фуқаролик жамияти институтларининг профилактика жараёнидаги иштироки кўп босқичли ҳамкорлик тизимини шакллантиради. Бунда давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида вазифалар тақсимооти юзага келади. Бундай тақсимоот профилактика чораларининг такрорланишини олдини олади ва ҳар бир субъектнинг аниқ функциялар асосида ҳаракат қилишини таъминлайди.

Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари иштирокининг яна бир муҳим жиҳати – ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш имконияти билан боғлиқ. Жамоатчилик ташаббуслари орқали маҳаллий муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини рағбатлантириш ва профилактик тадбирларни ихтиёрийлик асосида ташкил этиш мумкин бўлади. Бу эса профилактика тизимини марказлашган бошқарувдан ташқари жамоавий иштирокка таянган ҳолда ривожлантириш имконини беради.

Ижтимоий реабилитация ва қайта ижтимоийлаштириш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимида мустақил, бир вақтнинг ўзида профилактик аҳамиятга эга бўлган йўналиш ҳисобланади. Бу жараён шахснинг жамият билан узилган ижтимоий алоқаларини тиклаш, унинг ҳуқуқий ва маънавий қадриятларга мослашувини таъминлаш ҳамда келгусида ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларнинг такрорланиш эҳтимолини камайтиришга қаратилган ташкилий чора-тадбирлар мажмуини қамраб олади. Шу нуқтаи назардан, профилактика инспекторининг мазкур соҳадаги иштирокини тўғри ташкил этиш институционал самарадорликнинг муҳим шарти сифатида намоён бўлади.

Халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатадики, реабилитация ва ижтимоий мослаштириш дастурлари соғлиқни сақлаш, таълим, профессионал кўникмаларни ошириш, иш билан таъминлаш ва маслаҳат хизматлари каби комплекс ёрдамни ўз ичига олиш орқали жиноят содир этган шахсларни жамиятга қайта интеграция қилишда самарали бўлади [11]. Бу чоралар уларнинг ўз ушлашларига ишончни оширади ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш эҳтимолини камайтиради.

Илмий адабиётларда реабилитация тушунчаси кенг ижтимоий мазмунга эга экани таъкидланади. Х.Қ.Бабахановнинг илмий қарашларига кўра, реабилитация фақат ҳуқуқий таъсир чоралари билан чекланмай, балки тиббий, психологик ва педагогик ёрдамни ҳам ўз ичига олган ҳолда шахснинг йўқолган ижтимоий функцияларини тиклашга қаратилган комплекс жараён сифатида қаралади. Муаллиф ижтимоий реабилитацияни шахсни жамиятга қайта интеграция қилиш, унинг ижтимоий муаммоларини бартараф этиш ва фаол ҳаёт тарзига қайтаришга хизмат қилувчи тизимли механизм сифатида баҳолайди [9].

Профилактика инспекторининг ушбу жараёндаги ташкилий иштироки, аввало, турли ижтимоий хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш орқали намоён бўлади. Чунки ҳуқуқбузарлик содир этган ёки ижтимоий хавф гуруҳига мансуб шахслар билан ишлаш биргина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар имкониятлари доирасида самарали ҳал этилмайди. Шу сабабли профилактика инспектори реабилитация марказлари, ижтимоий ҳимоя муассасалари ва таълим тизими субъектлари ўртасида ўзаро алоқадорликни таъминловчи боғловчи бўғин вазифасини бажаради. Бу эса шахсга нисбатан таъсир чораларининг узлуксизлиги ва манзиллилигини таъминлайди.

Х.Қ.Бабаханов таъкидлаганидек, жиноят содир этган шахсларни қайта ижтимоийлаштириш жараёнида профилактика инспектори ахборот тўплаш, шахс ҳолатини мониторинг қилиш ҳамда уни реабилитация дастурларига йўналтириш каби вазифаларни амалга оширади [9]. Шу билан бирга, реабилитация марказлари шахснинг ижтимоий-психологик муаммоларини бартараф этиш, ҳуқуқий маданиятини ошириш ва уни жамият ҳаётига қайта мослаштиришга қаратилган ўқув-тарбиявий тадбирларни ташкил этади. Муаллифнинг фикрича, мазкур икки субъект фаолиятининг уйғунлиги такрорий ҳуқуқбузарликларни камайтиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ташкилий жиҳатдан қараганда, профилактика инспектори иштирокидаги реабилитация жараёни бир нечта босқичларда амалга оширилади. Биринчи босқич – шахснинг ижтимоий ҳолатини баҳолаш ва унинг эҳтиёжларини аниқлашдан иборат. Бу босқичда ҳуқуқий, психологик ва маиший омиллар таҳлил қилиниб, кейинги таъсир чоралари режалаштирилади. Иккинчи босқич – реабилитация дастурларини амалга ошириш бўлиб, унда шахснинг ижтимоий муҳитга мослашуви таъминланади. Учинчи босқич эса назорат ва кузатув жараёнидан иборат бўлиб, унда профилактика инспектори шахснинг хулқ-атворидаги ўзгаришларни баҳолайди ҳамда зарур ҳолларда қўшимча чоралар кўради.

Мазкур ҳамкорлик шакллари билан яна бир муҳим жиҳати – оила институти билан боғлиқликдир. Илмий қарашларга кўра, шахснинг ижтимоий муҳитга қайтишида оилавий кўллаб-қувватлаш асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис профилактика инспектори реабилитация жараёнида фақат шахснинг ўзи билан эмас, балки унинг яқин ижтимоий муҳити билан ҳам иш олиб боради. Бу ёндашув шахснинг барқарор ижтимоий мослашувини таъминлашга хизмат қилади.

Профилактика йўналишида оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликнинг амалий самарадорлиги, энг аввало, таъсир кўлами ва натижани тез ўлчаш имконияти билан белгиланади. А.А.Амановнинг илмий қарашларига кўра, ички ишлар органлари профилактика хизматларининг ОАВ билан ҳамкорлиги бошқа институтлар билан ҳамкорликдан фарқи равишда бир вақтнинг ўзида кенг аудиторияга профилактик таъсир кўрсатиш имконини беради ҳамда жамоатчиликка тезкор, тушунарли ва оммабоп форматда мурожаат қилиш орқали профилактик сигналлар “масофадан туриб” ҳам ишлай бошлайди [8]. Шу маънода, ОАВ билан ишлаш амалиётда “кенг қамровли профилактика” натижасига хизмат қилади: маълум бир хавfli тенденцияга оид хабарни, расмий огоҳлантиришни ёки ҳуқуқий тушунтиришни қисқа муддатда аҳоли қатламларига етказиш мумкин.

Тадқиқотчи ОАВ билан ҳамкорликни самарали ташкил этиш замон талаби эканини таъкидлар экан, унинг амалиётдаги афзаллигини айнан коммуникация тезлиги ва таъсир радиуси билан изоҳлайди. Бунда самарадорликни оширадиган муҳим ташкилий ечимлардан бири – профилактик контентни режалаштиришдир. Масалан, хавф тури ҳақида оддий статистик фактлар, кейин ҳуқуқий оқибатлар, сўнг амалда ўзини тутиш алгоритми (қайси рақамларга мурожаат қилиш, қайси “қизил чизиқлар”дан ўтмаслик) берилади.

ОАВ билан ҳамкорликнинг яна бир амалий кўрсаткичи – профилактика субъектларининг иши ҳақида ишончли ва тизимли ахборот бериш ҳисобига жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашдир. А.А.Аманов қайд этган норматив йўналишлардан келиб чиқиб, таянч пунктларининг вазифалари қаторида ОАВ ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан профилактика ва ҳуқуқий маданият масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш белгилангани амалиёт учун ташкилий-ҳуқуқий “йўл харитаси” вазифасини ўтайди [8]. Демак, ОАВ билан ишлаш тасодифий эмас, балки хизмат вазифаларида белгилаб қўйилган асосий йўналишлардан бири сифатида ўрин олади.

Амалиётда ҳамкорлик самарадорлигини оширадиган муҳим омил – ресурс ва рағбатлантириш механизмларидир. Б.И.Латиповнинг таклифига кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни молиявий таъминлаш учун бюджет ва корпоратив манбалар асосида тегишли жамғармаларни шакллантириш, тадбирларда иштирок этганларни моддий рағбатлантириш ҳамкорликнинг пировард самарасини оширишга хизмат қилиши мумкин [7, Б.72]. Бу ёндашув ОАВ билан ишлашда ҳам қўл келади: ижтимоий роликлар, махсус лойиҳалар, жойлардаги профилактик чиқишлар ва медиаконтент ишлаб чиқариш харажатлари доимий манбага эга бўлса, ишлар узлуксиз ва тизимли тус олади.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликнинг амалий самарадорлиги эса сабаб ва шарт-шароитларни жойида бартараф этиш имкониятини беради. Д.Д.Вахобжоновнинг илмий қарашларига кўра, профилактика инспектори ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасида мақсад ва вазифаларнинг бирлиги, ваколатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мавжудлиги ҳамда ҳамкорликда ишлаш шартлиги белгилангани мазкур ҳамкорликни натижага йўналтирилган моделга айлантиради [6]. Амалиёт нуқтаи назаридан бу, биринчидан, ҳудуддаги криминоген вазиятни биргаликда ўрганиш, иккинчидан, сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича вазифаларни тақсимлаш, учинчидан, аҳолининг ҳушёрлигини оширишга қаратилган манзилли тадбирларни ўтказиш билан ўлчанади.

Халқаро тажриба ҳам шуни кўрсатадики, жамоат институтлари билан ҳамкорлик фактлари полиция ва жамоатчилик ўртасидаги ишончни мустаҳкамлайди. Масалан, кўплаб давлатларда маҳаллий фуқаролар гуруҳлари полиция билан ҳамкорликда “жамоат

хавфсизлиги гуруҳлари”ни ташкил этишади ва бу гуруҳлар жиноятчиликнинг олдини олиш, яширин маълумотларни топшириш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фаол иштирок этади [10].

Бундан ташқари, маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик профилактика инспекторига ёшлар билан ишлаш бўйича самарали дастурлар ташкил этиш имконини беради. Бу дастурлар доирасида спорт, маданият тадбирлари ва маърифий йиғинлар ўтказилиши мумкин, бу эса ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ва салбий таъсирлардан узоқлашишга хизмат қилади.

Юқоридаги илмий ва амалий таҳлиллар шуни кўрсатадики, профилактика инспектори билан ижтимоий реабилитация марказлари ўртасидаги ҳамкорлик нафақат шахсларнинг жамиятга интеграция қилинишига имкон беради, балки уларнинг ҳудудда ҳуқуқбузарликлар содир этиш эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради. Бу эса умумий жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Халқаро тажриба таҳлили ҳам профилактика инспектори фаолиятида жамоат институтлари билан ҳамкорлик самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатади. Хусусан, АҚШда шерифлар судлар, маҳаллий жамоалар ва жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда иш олиб бориб, маъмурий ҳуқуқбузарликлар профилактикасида юқори натижаларга эришмоқда [5]. Бу тажриба профилактика инспекторларининг фаолиятида ахборот алмашинуви, рақамли технологиялардан фойдаланиш ва жамоатчилик иштирокини кучайтириш орқали самарадорликни ошириш мумкинлигини кўрсатади.

Профилактика инспекторининг жамоат институтлари билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш учун ҳуқуқий механизмлар билан бир қаторда ташкилий механизмларни ҳам такомиллаштириш талаб этилади. Шу муносабат билан қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, профилактика инспекторлари ва жамоат институтлари ўртасида ахборот алмашинувининг ягона электрон тизимини жорий этиш;

иккинчидан, маҳалла, таълим муассасалари ва ОАВ иштирокида мунтазам профилактик дастурлар ишлаб чиқиш;

учинчидан, ижтимоий реабилитация марказлари билан ҳамкорликни кучайтириш орқали такрорий ҳуқуқбузарликларни камайтириш;

тўртинчидан, халқаро илғор тажрибаларни миллий тизимга босқичма-босқич татбиқ этиш.

Хулоса қилиб айтганда, профилактика инспекторининг жамоат институтлари билан ҳамкорлиги ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Ҳуқуқий асосларнинг мавжудлиги билан бирга, ушбу ҳамкорликни амалий жиҳатдан тўғри ташкил этиш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ва халқаро тажрибани инобатга олиш орқали жамоат хавфсизлигини таъминлашда барқарор натижаларга эришиш мумкин.

Иктибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – Т., 2023 йил (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. – Tashkent, 2023.)
2. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонуни (Law of the Republic of Uzbekistan “On the Prevention of Offences” No. ORQ-371, dated 14 May 2014.)
3. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сон Қонуни (Law of the Republic of Uzbekistan No. ORQ-829 dated 11 April 2023 “On Introducing Amendments and Additions to Certain Legislative Acts of the Republic of Uzbekistan in Connection with the Further

Improvement of the System for Reliable Protection of the Rights, Freedoms and Legitimate Interests of Women and Children.”)

4. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2024 йил оилавий-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги йиллик ҳисоботи (Annual Report of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan on Offences Committed within the Family and Domestic Sphere for 2024.)

5. Xudoyqulov D.D., G‘aniyev F.T. Profilaktika inspektorining fuqarolik jamiyati institutlari bilan o‘zaro hamkorligi faoliyatini takomillashtirish va xorijiy davlatlarning tajribalari // CAJMRMS. 2025. №1 (Khudoyqulov D.D., Ganiyev F.T. Improving the activities of cooperation between the prevention inspector and civil society institutions and the experience of foreign countries // CAJMRMS. 2025. No. 1.)

6. Вахобжонов Д.Д. Профилактика инспекторининг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлиги // CAJMRMS. 2024. №6 (Vakhobjonov D.D. Cooperation of the prevention inspector with citizens’ self-government bodies // CAJMRMS. 2024. No. 6.)

7. Латипов Б.И. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш. ю.ф.б.ф.д. (PhD) диссертацияси. - Т. 2019 (Latipov B.I. Improving cooperation between law enforcement agencies and civil society institutions. PhD dissertation in Law. – Tashkent, 2019.)

8. Аманов А.А. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги // CAJAR. 2025. №10-2 (Amanov A.A. Cooperation of the preventive services of the internal affairs bodies with mass media in the prevention of offences // CAJAR. 2025. No. 10-2.)

9. Бабаханов Ҳ.Қ., Ихволиддинов Ф.Х. Профилактика инспекторининг ижтимоий реабилитация марказлари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш: янги ёндашувлар ва амалий чора-тадбирлар // CAJMRMS. 2025. №3 (Babakhanov H.Q., Ikhvoliddinov F.Kh. Improving cooperation between the prevention inspector and social rehabilitation centers: new approaches and practical measures // CAJMRMS. 2025. No. 3.)

10. Neighbourhood Watch (United Kingdom) – [https://en.wikipedia.org/wiki/Neighbourhood_Watch_\(United_Kingdom\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Neighbourhood_Watch_(United_Kingdom))

11. Public Safety Canada. Social Reintegration: A Framework for Community Corrections in Canada / Public Safety Canada. – Ottawa, 2018. – 52 б. – URL: <https://www.publicsafety.gc.ca/cnt/rsrscs/pblctns/scl-rntgrtn/scl-rntgrtn-eng.pdf>

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.